

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 6 » сентябрь 20 19 у.

№ 741

Toshkent sh.

Ахолига хуқуқий ахборотни етказиши ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ахолиииг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада ошириш, жамиятда фуқароларинг хуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, ахолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томоидан “Advice.uz” (e-maslahat.uz) хуқуқий ахборот портали ишга туширилганлиги, мазкур портал орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда фуқаролар деб аталади) онлайн режимда бепул хуқуқий маслаҳат олишлари учун имконият яратилганлиги маълумот учун қабул қилисин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда Муассаса деб аталади) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади), шунингдек, туман (шаҳар)ларда уларнинг хуқуқий маслаҳат бюроларини (кейинги ўринларда хуқуқий маслаҳат бюролари деб аталади) ташкил этиш;

б) Куйидагиларни Муассасанинг асосий вазифалари сифатида белгилаш:

фуқароларга хуқуқий масалалар бўйича шу жумладан, онлайн маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш;

фуқароларнинг хуқуқий билимларини мажтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ошириб борнш ишларига кўнгиллиларини сафарбар этиш;

фуқаролар томонидан хуқуқий маслаҳат беришга оид сўровларни таҳлил қилиб бориш, таҳлил натижасига кўра хуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги конунчилликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда инновацион усулларни, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини татбиқ этиш;

“Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталининг мунтазам равишда юритилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш.

3. Белгилансинки, Муассаса ва унииг худудий бўлинималари фаолиятини молиялаштириш:

давлат ижтимоий буюртмаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг шартнома асосида Муассасага тўғридан-тўғри ажратнладиган бюджетдан ташқари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

4. Муассасанинг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 5-йда, худудий бўлинималари ва ҳуқуқий маслаҳат бюролари заруратга кўра, тегишли худудий адлия органлари ёки туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари биноларига ижара тўловининг “ноль” ставкаси асосида жойлаштирилсин.

5. Муассасанинг марказий аппарати, худудий бўлинималари ва ҳуқуқий маслаҳат бюроларини компьютер техникаси ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш, улар жойлашган биноларни сақлаш (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар адлия органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Адлия вазирлиги билан биргалиқда “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали ҳамда “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш фаолиятини оммавий ахборот воситаларнда кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази” ва “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхоналарини давлат муассасалари шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Куйидагилар:

“Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази” давлат муассасасининг бошқарув ходимлари чеклаиган сони 41 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-нловага мувофик;

“Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 46 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

9. Куйидагилар:

а) “Адолат” ҳукуқий ахборот маркази” давлат муассасасининг вазифалари этиб белгилансин:

қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, шунингдек, қонун ҳужжатларининг Миллий базада расмий нашр этилишини таъминлаш;

норматив-ҳукуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлаш;

Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш и уларни амалга ошириш;

аутсорсинг шартларида юридик адабиётлар ва расмий нашрларнинг расман чоп этилишини таъминлаш;

б) “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлайтириш маркази” давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Нотариус” автоматлаштирилган тизими, “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳукуқий ахборот портали ва вазирлик томонидан яратилган бошқа ахборот тизимлари фаолиятини кузатиб бориш, серверларга, телекоммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида “Электрон ҳукумат” ахборот тизимлари доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш;

адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

адлия органлари ва муассасаларида ахборотлаштириш соҳасида таҳлиллар ўtkазиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

10. Белгилансинки:

а) 2019 йил 10 сентябрдаи бошлаб “Адолат” ҳукуқий ахборот маркази” давлат муассасаси томонидаи “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўплами” (кейинги ўринларда расмий нашрлар деб аталади) аутсорсинг асосида нашр этилади;

б) "Адолат" ҳуқукий ахборот маркази" ва "Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат муассасаларига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томоидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директорлар раҳбарлик қилади;

в) давлат муассасаларининг бошқарув ходимларига аввалги иш жойида узоқ йиллик хизмати учун берилган устама ва қўшимча тўловлар, маҳсус ва даражали унвонлар саклаб қолинади;

г) қуйидагилар "Адолат" ҳуқукий ахборот маркази" ва "Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбалари хисобланади:

Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

2020 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасни модернизация қилсин, жумладан, бунда "аклли" низлаш функцияси назарда тутилсии;

расмий нашрларнн чоп этиш ва реализация қилиш жараёнида уларнинг таниархнни арзоилаштириш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда "Адолат" ҳуқукий ахборот маркази" ва "Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат муассасаларининг уставларини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-ҳуқукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирин Р.К. Давлетов зиммасига юклансии.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 сентябрдаги 74 й-сон қарорига
1-илова

**“Адолат” ҳуқукий ахборот маркази давлат муассасасининг
ТУЗИЛМАСИ**




Бошкарув ходимлари — 41 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Мазкур тузилмага Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан бошкарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритилишин мумкин.

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил сентябрдаги 741-сон қарорига
2-илова

**“Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш маркази” давлат муассасасининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимлари – 46 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниqlанади.

Мазкур тузилмага Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзgartиришлар киритилиши мумкин.

